

## ХУДУД САНОАТ МАЖМУАЛАРИНИНГ РАЦИОНАЛ ТАРМОҚ ТУЗИЛИШИНИ ЯРАТИШ

Дилбаржон Қурбонов

Иқтисодиёт фанлари номзоди Фарғона давлат университети

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7391246>

**Аннотация.** Мақолада Саноатнинг рақобатдошлигини ошириш учун ишлаб чиқаришни янада модернизация, диверсификация қилишининг инновацион стратегик мақсадлари тадқиқ қилинган, саноат таркибини янада ривожлантириши ва рационализация қилиши юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калим сўзлар:** енгил саноат, инвестицион жозибadorлиги, рационал, глобал даража, диверсификация .

## СОЗДАНИЕ РАЦИОНАЛЬНОЙ СЕТЕВОЙ СТРУКТУРЫ ТЕРРИТОРИАЛЬНЫХ ПРОМЫШЛЕННЫХ КОМПЛЕКСОВ

**Аннотация.** В статье изучены инновационные стратегические цели дальнейшей модернизации и диверсификации производства с целью повышения конкурентоспособности отрасли, а также разработаны научные предложения и практические рекомендации по дальнейшему развитию и рационализации структуры производства.

**Ключевые слова:** легкая промышленность, инвестиционная привлекательность, рациональность, глобальный уровень, диверсификация.

## CREATING A RATIONAL NETWORK STRUCTURE OF TERRITORIAL INDUSTRIAL COMPLEXES

**Abstract.** The article examines the innovative strategic goals of further modernization and diversification of production in order to increase the competitiveness of the industry, and also develops scientific proposals and practical recommendations for the further development and rationalization of the production structure.

**Keywords:** light industry, investment attractiveness, rationality, global level, diversification.

## КИРИШ

Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалиги тизимида кириш стратегияси ҳалигача муҳим вазифа бўлиб турибди. Ўзбекистоннинг меҳнат тақсимоотида тор доирага ихтисослашганлиги (жаҳон ва минтақа даражасида), жаҳон товарлар бозоридан йироқдалиги, паст транспорт инфратузилмаси кабиларни ажратиш мумкин. Шундан келиб чиқиб, Президентнинг Мурожаатномасида: 2020 йилда 3 мингга яқин стандартларни қабул қилиш, уларнинг сонини 10 мингга ва халқаро стандартлар билан уйғунлашиш даражасини 40 фоизга етказиш даркорлиги, Андижон, Термиз ва Қўнғирот туманларида эркин савдо зоналарини ташкил этиб, улар орқали чегараолди савдосини ривожлантириш” зарурлиги каби вазифалар кўрсатилди.

Фарғона вилоятининг тарихи минглаб йилларга бориб тақалади, қадимда вилоят Даван номи билан машҳур бўлган. Вилоят ўша даврдан ҳозирги кунга қадар аҳолиси юқори даражада ривожланган хунармандчилик тажрибалари ва малакаларига, қишлоқ хўжалиги маданиятига эга ҳудуд бўлиб келган. Бундан ташқари бу ерда асрлар давомида пахта ва ипак ишлаб чиқарилиб келинмоқда.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ.

Янги илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига устувор инвестиция кўйилmalarининг Осиё, Европа ва Америка мамлакатлари томонидан амалга оширилиши оқибатида худудларда рақобатбардошликни ошириш, саноат ишлаб чиқаришининг диверсификация шароитидаги ижобий ўсиш суръатлари таъминланмоқда.

Диверсификация жараёнининг фаол ўрганилишига қарамасдан, ҳалигача бирорта манбада унинг аниқ таърифи мавжуд эмас. Аксинча, диверсификацияни таҳлил қилиш ва баҳолашнинг қийинлиги сабабли турли иқтисодчилар томонидан диверсификация мазмунини ёритишда таърифларнинг хилма-хиллиги ва кенгайтириб юборилиши юз бермоқда.

Энциклопедик луғатда келтирилишича, “Диверсификация (лотинча *“diversificatio”* – ўзгариш, хилма-хиллик сўзидан олинган бўлиб)- фаолият объектларининг, монополистик бирлашмалар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар номларининг кенгайтириши, деган маънони англатади.

Ф. Котлернинг фикрича, диверсификация янги тармоқларга бирлашиш ҳисобига фирманинг ўсишини амалга ошириш усули ҳисобланади.

И. Ансофф томонидан берилган умумий таъриф куйидагича: диверсификация — бу аниқ олинган корхоналар томонидан мавжуд ресурсларни бошқа фаолият соҳаларига қайта тақсимлаш жараёнига нисбатан қўлланиладиган тушунчадир. Ушбу жараён янги технологияларга ўтиш, янги бозорларга кўшилиш ва янги ишлаб чиқариш тармоқларига жорий қилиш имкониятига тегишлидир. Келажақда ишлаб чиқариладиган маҳсулот мутлақо янги, уни ишлаб чиқариш учун инвестиция зарур бўлади.

Б.А. Чубнинг фикрича, ишлаб чиқариш диверсификациясининг мазмуни макроиқтисодий даражадан тортиб, глобал даражага қадар барча даражаларда иқтисодий тизимлар табақалашганлигининг ўсиши объектив жараёнидан иборат.

## ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР.

2020 йил II чорагидан бошлаб жаҳон иқтисодиётида, шу жумладан, асосий савдо ҳамкорларимизда иқтисодий фаолликнинг кескин секинлашиши, хомашё нархларининг тушиб кетиши фонида иқтисодий пасайиш тенденцияси кузатила бошланди. 2020 йилнинг I чорагида иқтисодиётимизда ижобий ўсиш суръатлари кузатилган бўлса, март ойининг иккинчи ярмидан бошлаб коронавирус инфекциясининг тарқалиши ва унга қарши курашиш борасида жорий этилган қатъий карантин чекловлари таъсирида ички иқтисодий фаолликнинг пасайиши, шунингдек, асосий савдо ҳамкорларимиздаги иқтисодий пасайиш ва транспорт-логистика соҳасидаги узилишлар сабабли экспорт товарларимизга бўлган ташқи талабнинг қисқариши кузатилди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида ялпи ички маҳсулотнинг ижобий ўсиш суръати сақлаб қолинди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 0,4 фоизни ташкил этди. Ушбу кўрсаткич 2018 ва 2019 йилларнинг январь-сентябрида мос равишда 5,7 фоиз ва 5,9 фоизни ташкил этган.

Бунда 2020 йилнинг январь-сентябрь ойида, ЯИМнинг ижобий ўсиш суръатларининг сақланиб қолишига қурилиш ишлари ҳажмининг 8,6 фоизга ўсганлиги асосий ҳисса қўшди. Ушбу даврда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида 2,7 фоизгача пасайиш кузатилди (2019 йилнинг мос даврида 5,3 фоизга ўсган). Пандемия таъсирида истеъмол ва инвестицион талабнинг пасайиши, асосан, иқтисодиётнинг хизмат

кўрсатиш ва айрим истеъмол товарлари ишлаб чиқариш соҳаларига, хусусан, туризм, савдо ва умумий овқатланиш, транспорт соҳаларига салбий таъсир кўрсатди.

Хусусан Фарғона вилояти аҳолиси асосан текисликларда жойлашган, уларнинг асосий машғулоти қишлоқ хўжалиги бўлиб, аҳолининг 2/3 қисми қишлоқ жойларда истиқомат қилади. Аҳолиси зич жойлашган - ҳар квадрат километрга 525 нафар кишини ташкил этади. Фарғона вилояти водийда энг кўп аҳоли истиқомат қиладиган худудлардан бири ҳисобланади.

Фарғона вилояти инвестицион жозибadorлиги юқори худудлар сирасига киради. Вилоятда инвесторларни самарали фаолият кўрсатиши учун қатор қулайликлар ва афзалликлар мавжуд. Вилоятнинг экспорт салоҳияти катта ва унижадал ривожлантириш имкониятлари қулай худуд ҳисобланади. Фарғона вилояти ҳозирги кунда дунёнинг 70 га яқин мамлакатига 50 дан ортиқ турдаги маҳсулотларни экспорт қилмоқда. 30га яқин давлатлардаги ҳамкорлари билан 415 га яқин хорижий ва қўшма корхоналар ташкил этган.

Вилоят аҳолиси миллий ва этник таркиби ранг баранг. Марказий Осиё давлатлари ва Хитой билан узоқ тарихий алоқаларга эга. Иқтисодий ва ижтимоий инфраструктуранинг ривожланганлиги сабабли вилоят қўшни давлатлар билан мустақкам алоқаларни йўлга қўйган, келгуси йилларда иқтисодий ва маданий алоқаларнинг янада яхшиланиши башорат қилинмоқда.

Вилоят, айниқса, нефт, газ, озокерит (олтингугурт, асфальт ва битум ишлаб чиқаришда ишлатилади), олтингугурт, гипс, оҳактош, доломит, кум (шиша ишлаб чиқаришда ишлатилади), шағал, гранит, гравелит, майдаланган тош (бетон ишлаб чиқаришда ишлатилдиган), ер ости минерал сувлари (ичимлик суви ишлаб чиқаришда ва тиббий мақсадларда фойдаланилади), базальт, диабаз, аглопорит, кумуш ва олтин захираларига эга.

Меҳнатга яроқли аҳолининг тахминан 6 фоизи олий ёки махсус ўрта маълумотга эга, ёшлар орасида эса бу нисбат анча юқори кўрсаткичларга эга.

Вилоятда аҳоли зич жойлашган, ишчи кучининг етарли ва арзонлиги кузатилади. Юқори салоҳиятга ва малакали меҳнат ресурсларига эга бўлишига қарамай, вилоятдаги иш ҳақи МДХ давлатлари орасида нисбатан паст бўлиб қолмоқда, бу эса вилоят корхоналарига сармоя қуюётган инвесторларга катта устунлик беради.

Бундан ташқари, тадқиқотларга кўра, вилоятдаги ишчи кучининг сони қўшни давлатларга қараганда тезроқ ўсиб боради, бу эса меҳнатга ҳақ тўлаш ҳажмини рақобатбардош даражада ушлаб туришга ёрдам беради.

Вилоятда электр энергетикаси, кимё ва нефт-кимё, нефтни қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, енгил ва озиқ-овқат саноатларининг асосий тармоқлари ривожланган.

Минтақанинг саноати кўп тармоқли бўлиб, оғир саноатнинг улуши катта. Минтақанинг нефтни қайта ишлаш, кимё ва энергетика соҳалари республика миқёсида сезиларли мавқега эга. Икки нефтни қайта ишлаш заводлари мавжуд бўлиб, бири Фарғона шаҳрида, иккинчиси Олтиариқда жойлашган.

Қайта ишлаш саноатида юқори технологияли соҳаларни роли катта, аммо бу соҳаларда йиллик ўсиш суратлари (102,1 фоиз) паст, ўртачадан юқори технологияли

соҳаларда (105,7 фоизни), ўртачадан паст технологияли соҳаларда (114,1 фоиз) ва паст технологияли соҳаларда (102,9 фоизни) ташкил этди шу ўринда (1-жадвал)

1-жадвал

**Амалдаги технологик укладлар тизимида ривожланган мамлакатлар ва Ўзбекистон саноатининг технологик таркиби**

| Қайта ишловчи ишлаб чиқаришлар                    | Ривожланган мамлакатлардаги улуши* | Ўзбекистонда |
|---|------------------------------------|--------------|
| Юқори технологияли ишлаб чиқаришлар               | 19                                 | 1,6          |
| Ўрта юқори технологияли ишлаб чиқаришлар          | 28                                 | 25,3         |
| Ўрта қуйи технологияли ишлаб чиқаришлар           | 21                                 | 35,5         |
| Паст технологияли ишлаб чиқаришлар                | 32                                 | 37,5         |
| Юқори ва ўрта юқори технологияли ишлаб чиқаришлар | 47                                 |              |

\* Акаев, А. А. Исследование сценариев развития России в условиях мирового кризиса [Текст] / А. А. Акаев, В. А. Садовничий // Век глобализации. – № 2 (4). – 2009. – С. 39–48.

Вилоятда машинасозлик, металлни қайта ишлаш ва қурилиш саноатининг аҳамияти катта. Қишлоқ хўжалиги эса енгил ва озиқ-овқат саноатини жадал ривожлантириш учун ресурс имкониятини яратади. Саноат корхоналари Фарғона-Марғилон саноат минтақасида, шунингдек Қўқон ва Қувасой саноат марказларида тўпланган.

Тадқиқотлар вилоят саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида Фарғона шаҳрининг салмоғи (34 фоиз) юқори эканлигини кўрсатмоқда. Қолган ҳудудлар Қўқон, Қувасой ва Марғилон шаҳарлари, Тошлоқ, Данғара, Ўзбекистон ва Қува туманларининг салмоғи мос равишда 14,7; 7,5; 4,1; 12,5; 4,5; 2,7 ва 3,3 фоизни ташкил этади. Сўх, Ёзёвон ва Фурқат туманларининг ҳиссаси эса 1 фоизга ҳам етмайди. Саноатнинг ўсиш суратларини Фарғона шаҳри (120,7 фоиз) ва Тошлоқ туманида (115,2 фоиз) юқори кўрсаткичларга эга.

Саноатнинг рақобатдошлигини ошириш учун ишлаб чиқаришни янада модернизация, диверсификация қилиш талаб этилади. Кимёвий маҳсулотлар. Ушбу соҳадаги асосий имкониятлар ҳосилдорликни оширишга интилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар кўпайган сайин ўғитлар ишлаб чиқаришга талаб ортиб бормоқда.

Вилоятда саноат мажмуаларининг рационал тармоқ тузилишини яратиш ва ҳудудий жойлашувини яхшилашнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

✓ енгил саноатнинг етакчи ролини сақлаб қолиш, шу билан бирга бир қатор корхоналарни кичик шаҳарлар ва қишлоқ туман марказларига ўтказиш ҳисобига Марғилон, Қўқонда уларнинг улушини камайтириш;

✓ йирик тўқимачилик корхоналарини қисқартириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида ўйлаш керак, чунки ҳаддан ташқари марказлашган корхоналар учун инфратузилма яратиш, уларни ишчи кучи билан таъминлашда кўпроқ қийинчиликларни келтириб чиқаради, атмосфера ҳавосининг юқори даражада ифлосланиши учун шароит яратади;

✓ енгил саноат тармоқларида кичик ва қўшма корхоналарни жадал ривожлантириш зарур;

✓ хунармандчиликни, тўқувчилик ва тикувчиликни жонлантириш, оилавий ва кооператив устахоналари учун миллий ранг ва тўқималарнинг юқори сифатли асл матоларини ишлаб чиқариш учун шароит яратиш керак;

✓ келажакда бундай маҳсулотлар жаҳон бозорига бошқа шарқий мамлакатлардаги хунармандчилик тўқимачилик маҳсулотлари сингари кириб бориши керак;

✓ Фарғона вилояти саноат мажмуалари таркибида барча соҳаларда илмий-техник тараққиётнинг ўсишини таъминлаш учун машинасозлик ва металлга ишлов бериш тармоғи улушини ошириш мақсадга мувофиқдир;

✓ энг аввало енгил саноат, қишлоқ хўжалиги ва агросаноат мажмуасининг қайта ишлаш тармоқлари учун кучли таъмирлаш базасини яратиш ва эҳтиёт қисмлар, механизмлар ишлаб чиқариш зарур.

Вилоят саноати самарадорлигини ошириш учун "...саноат тармоқларини узлуксиз хомашё ва диверсификация қилиш, замонавий инфратузилма билан таъминлаш зарур". Кейинчалик узоқроқ муддатда, яқин 15-20 йил ичида, юқори даражадаги илмий-техник тараққиётга эга бўлган ва биринчи навбатда, энг янги технологияларга эга бўлган янги экологик тоза машинасозлик саноатини яратиш мақсадга мувофиқдир.

## **ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.**

Хулоса қилиб айтганда, саноат таркибини янада ривожлантириш ва рационализация қилиш қурилиш базасини мустаҳкамлашни талаб қилади. Шунинг учун қурилиш материалларини диверсификациялаш биринчи навбатда ғишт, шифер, плиткалар, металл ва ёғоч қисмлар, цемент ишлаб чиқариш учун кичик қувватли бир қатор заводларни қуриш зарур. Ушбу фабрикалар маҳаллий хомашё асосида ва қишлоқ жойларида жойлашган бўлиши керак.

Бозор иқтисодиёти шароитида мамлакатнинг бошқа ҳудудлари билан горизонтал ва вертикал алоқаларнинг заифлиги қишлоқ хўжалигида қишлоқ хўжалигининг янги тармоғини - сўнгги йилларда ривожланган қанд етишмовчилигини инобатга олган ҳолда қанд лавлаги етиштириш тизимини яратиш зарур.

Фарғона водийсининг барча ҳудудларида қанд лавлаги етиштириш, катта миқдордаги капитал қўйилмаларни талаб қилмайдиган ва қисқа вақт ичида катта иқтисодий самара берадиган шакар заводларини қуриш лозим.

Озиқ-овқат саноати таркибида пахта, кунжут мойи, шунингдек шафтоли ва бошқа турдаги данакли мевалардан ёғларни ишлаб чиқариш бўйича мавжуд қувватларни ошириш зарур.

Табийки, озиқ-овқат саноати ва биринчи навбатда консерва саноатининг ривожланиши шиша идишлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришни ҳам талаб қилади, буни

бошқа шиша заводини куриш йўли билан ҳал қилиш мақсадга мувофиқдир, бунинг учун кичик шаҳарларда унга жой топиш мақсадга мувофиқдир.

Ўрмон ва ёғочни қайта ишлаш саноатининг тузилишини, айниқса, , мавжудларини реконструкция қилиш, ёғочни қайта ишлаш чиқиндиларига асосланган кичик ишлаб чиқариш қувватларини яратиш орқали ривожлантириш зарур.

Фарғона водийси комплексларида, айниқса, экологик режимни бузадиган, яъни минерал ўғитлар ва нефт-кимё маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган янги кимё саноати корхоналарини яратиш мақсадга мувофиқ эмас. Ҳозирги ишлаб чиқариш даражасини сақлаб, технологияни янгилаш ва тозалаш иншоотларини, айниқса газни ушлаб турувчи қурилмаларни такомиллаштириш учун инвестиция сиёсатини олиб бориш лозим.

## REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи” газетаси 2020 йил 24 январь.
2. Фарғона вилояти статистика бошқармаси маълумотлари
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари
4. <http://geografiya.uz/socialno-ekonomicheskaya-geografiya-uzbekistana/10058-ferganskiy-viloyat.html>
5. Акаев, А. А. Исследование сценариев развития России в условиях мирового кризиса [Текст] / А. А. Акаев, В. А. Садовничий // Век глобализации. – № 2 (4). – 2009. – С. 39–48.
6. Курбанов, Д. (2022). ОСОБЕННОСТИ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ АГРАРНОГО СЕКТОРА. *Eurasian Journal of Academic Research*, 2(5), 264-268.
7. Mirzakarimova, M. (2012). Issues Of Labour Potential Growth And Effective Formation Of Employment Structure In Uzbekistan. *European Journal of Business and Economics*, 4.
8. Rahmonaliyevich, K. D. (2020). Role Of Innovation In The Economy. *The American Journal of Management and Economics Innovations*, 2(09), 43-47.
9. Рахимов, Д. Ш. (2021). Саноат ишлаб чиқариш тармогида диверсификациялашган иқтисодий тизимларни яратишнинг жаҳон тажрибаси. *Хоразм Маъмур академияси*, 10(81), 262-265.
10. Мирзакаримова, М. М. (2022). ИННОВАЦИОН ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИГА ЎТИШ ДАВРИДА ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТАЪЛИМ КЛАСТЕРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ. *Журнал Инновации в Экономике*, 5(4).
11. Рахимов, Д. Ш. (2021). САНОАТ ИҚТИСОДИЁТИДА МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИЛАЁТГАН МАҲСУЛОТЛАРНИ ДИВЕРСИКАЦИЯЛАШ ОМИЛИ СИФАТИДА. *Scientific progress*, 1(6), 505-511.
12. Rahmonaliyevich, K. D. (2020). Choosing the optimal rule of monetary policy, taking into account changes in the main macroeconomic indicators. *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL*, 10(12), 1351-1356.
13. Raximov, D. S. (2021). DIVERSIFIKATSIYA HUDUDLAR SANOAATNI MUVOZANATLI STRATEGIK RIVOJLANTIRISH YO ‘NALISHLARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(3), 199-207.
14. Mirzakarimova, M. (2012). Issues Of Labour Potential Growth And Effective Formation Of Employment Structure In Uzbekistan. *European Journal of Business and Economics*, 4.

15. Рахимов, Д. Ш. (2020). ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ОТРАСЛЕЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ УЗБЕКИСТАНА. In *МИНТАҚА ИҚТИСОДИЁТИНИ ИНВЕСТИЦИЯЛАШНИНГ МОЛИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ВА ИННОВАЦИОН ЖИҲАТЛАРИ* (pp. 523-527).
16. Хахимов, Д. Р. (2019). Стратегические задачи по развитию государственно-частного партнерства. *Образование и наука в России и за рубежом*, (16), 158-161.
17. Rakhimov, D. S. (2022). DIRECTIONS OF DIVERSIFICATION OF INNOVATION PROCESSES IN INDUSTRY. *INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL*, 3(6), 127-133.
18. Mirzakarimova, M. (2012). Issues Of Labour Potential Growth And Effective Formation Of Employment Structure In Uzbekistan. *European Journal of Business and Economics*, 4.
19. Рахимов, Д. Ш. (2020). Саноат секторини ривожлантиришда диверсификациялашнинг стратегик йўналишлари. *Тошкент молия институти*, 1(1), 208-210.
20. Хахимов, Д. Р. (2021). ХУДУД САНОАТИНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ОРҚАЛИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ. *Scientific progress*, 2(1), 631-638.
21. Рахимов, Д. (2019). Свободно-экономические зоны-расширение экспортного потенциала Узбекистана. *Архивариус*, (12 (45)).
22. Хахимов, Д. Р., & Рахмоналиев, Н. Д. (2020). Mintaqaviy investitsiyalar: Maqsadlar, muammolar va ularni hal qilish. In *МИНТАҚА ИҚТИСОДИЁТИНИ ИНВЕСТИЦИЯЛАШНИНГ МОЛИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ВА ИННОВАЦИОН ЖИҲАТЛАРИ* (pp. 494-498).
23. Рахимов, Д. Ш. (2021). Худуд саноатини диверсификациялашнинг инновацион стратегик мақсадлари. *Халқаро миқёсидаги илмий-амалий анжумани*, 1(1), 24-25.
24. Rakhimova, L. A. (2021). IMPROVEMENT OF THE TRAINING PROCESS FOR PHYSICAL DEPARTMENTS AND ACHIEVEMENT OF EFFICIENCY. *Scientific progress*, 2(8), 76-81.
25. Рахимов, Д. Ш. (2013). Иқтисодий ночор корхоналарни молиявий барқарорлигини оширишда тижорат банкларни ўрни. *Илм-заковатимиз-сенга, Она-Ватан! Фарғона*, 1(2), 184-185.
26. Mirzakarimova, M. M. (2022). DISTANCE LEARNING SYSTEMS AND PROSPECTS IN UZBEKISTAN. *Архив научных исследований*, 2(1).
27. Rakhimov, D. (2022). DIRECTIONS OF DIVERSIFICATION OF INNOVATION SYSTEMS IN THE INDUSTRY. *Journal of Integrated Education and Research*, 1(1), 88-96.
28. Мирзакаримова, М. (2012). ИШЧИ КУЧИГА БЎЛГАН ТАЛАБ: МАЗМУНИ ВА ТАРКИБИ. *Экономика и образование*, 10(1), 3-11.
29. Рахимов, Д. (2018). ПОНЯТИЕ РЕГИОНАЛЬНОЙ КОНКУРЕНЦИИ И КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ. *Scienceweb academic papers collection*.